

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 4 июлдан чиқа бошлаган.

№ 70 (6. 859)

1989 йил 24 март, жума

Баҳоси 3 тийим

ТОШКЕНТ ГАЗЕТАЛАРДА

Тошкентдаги В. И. Ленин номида СССР Халқлари дустлиги саройида Наврўзга бағишланган катта байрам концерти бўлиб ўтди. Мазкур концерт ҳақидаги ҳисобот «Янгилаштириш» орзу-умидлар ва гузаллик байрами» сарлавҳаси остида бугун республика газеталарида берилган.

Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент шаҳар кенгаши ёшлар ўртасида ишлаб-комиссия раисининг ўринбосари Иван Сергеевич Секретаревнинг КПСС сафига кирган кунига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан 22 март кунини Ўзбекистон республика кенгашида И. С. Секретаревни кутлаш маросими бўлди.

Акс-садо

«ТОШКЕНТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТСАК БЎЛМАЙДИМИ?»

«Тошкент оқшомин»,
1989 йил 13 март

Дилимда чироқ ёнди

Мен Тошкент фонди ҳусусида кўп гапириш ниятида эмасман. Агар у тузилса ва иш бошласа нин қалбимдан хурсанд бўламан.

Тошкент эзгу аъёнлари, кутлуг ёдгорликлар шахри. Фонд ана шу эзгуликларини сақлашга, таъмирлашга хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

«Тошкент оқшомин» газетаси шундай олижаноб ишининг бошловчиси бўлганидан, дилимда чироқ ёнгандек бўлди.

ШУХРАТ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Тезроқ ҳал этади

Ҳамшаҳарларимиз диққатига ҳавола қилинган «Тошкент фондини ташкил этсак бўлмайди» сарлавҳали мақолани кўпчилик дўгонларим билан қизиқиб ўқиб чиқдик. Мазкур фондга шахримизнинг гузаллаштириш истагани ҳар бир ишчи ва хизматчи ўз ҳиссасини қўйиши лозим деб ҳисоблайман. Маълумки, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик проблемаларини ҳал қилишга ажратилаётган давлат бюджетини буғунги кун учун етарли бўлмапти. Биз ўз меҳнатимиз билан бу маблага озм-кўпми улушимизни қўйишимиз керак. Тўпланган маблағларнинг кўчаларини, анҳор ва каналларни тартибга келтиришга сарфлашимиз айни муддаодир.

Фонд аэропорти шаҳар ташқарисига қўйиши масаласини тезроқ ҳал этишга ердан бериш мумкин, деган фикр менга жуда ёқиб тушди. Чунки биз меҳнат қилаётган Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари яшовчи Ивановлик тўқуви-чилар ва бошқарув аэропортининг қўқ ёнбошига жойлашган. Бу ерда юзга келаятган шовқин ва оғир экологик вазият кишилар саломатлигига ўз таъсирини кўрсатаётган қолмапти. Шунинг учун ҳам мен махсус фондини ташкил этиш зарур деб ҳисоблайман.

Ф. БОЗОРОВА,

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси.

Она шахрим учун

Тошкент фонди тузиш ҳақидаги таклифини ўқиб, ниҳоятда севиндик. Чунки, ўз шахрини севмаган, унинг тақдирини учун қайғурмаган одам борми! Шаҳримизни беқорга «она» сўзини қўйиб, она шахрим деб алқаймиш. Она дедикми, унга муносиват бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Фондини маблағлари ҳусусида. Тошкентда нима кўп — корхона кўп. Ҳар бир корхона фондга маълум миқдор ўткази-шини шарт деб ҳисоблайман. Чунки Тошкент табиятининг бузилишига энг биринчи навбатда шу корхоналар сабабчи. Истагани: ҳар бир тошкентлик ушбу фондини қўллаб-қувватла-са, унинг чинакам тарғиботчиси, таъминотчисига айлansa, Чунки эзгу мақсад билан бошланган иш ҳар бир юракда акс садо берса, нур устига нур бўлади.

Олий ўқув юртлири талабалари, ўқитувчилари бу хайрли ишдан четда қолмасликларига аминман.

М. МИРЗААХМЕДОВ,

ТошДУ доценти.

Олимларга маъқул

«Тошкент оқшомин» газетасининг 13 март сониди эълон қилинган «Тошкент фондини ташкил этсак бўлмайди» мақо-ласидagi фикрлар менга ҳам кўпдан бери ташвишга сола-ётган эди. Менимча, мақола муаллифи бери меннинг эмас, балки кўпгина ҳамшаҳарларимизнинг ҳам кўнглидаги гаплар-нинг толиб ёзган. Чунки бундан 15—20 йиллар олдин шахри-миз ниҳоятда гузал, озода, соя-салқин кўчалар ва ҳибонлар-га бой шаҳар эди. Айниқса анҳор, канал ва ариқ бўйларидagi соя-салқин дарахтзор-у, ҳибонлар нафакат ҳамшаҳарлари-мизни, ҳаттоки шахримиз меҳмонларини ўзига жалб этарди. Ҳозирги кунга келиб эса аҳвол анча ташвишланарли дара-жада эканлиги кўпчиликка сир эмас. Тошкент фондини ташкил қилишдек хайрли ишни бошлаш арасида турган эканмиз, бу тадбир кечиктирилмай тезроқ ҳал этилса яхши бўлар эди. Зора она-шаҳримиз Тошкент асп қиёфасига қайтса.

Д. ЗОКИРОВА,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кичик илмий ходими.

Амалда улуш қўшайлик

Ҳаётимиз кўрки бўлиб қолаётган янгича аъёнлар билан «Тошкент оқшомин» саҳифаларида мунтазам таъиниш бор-ялмиз. Бу нарсани кишиларнинг нафакат ўйлашга, балки янгича аъёнларнинг турмушимизга кенг тадбиқ этишга ундайди. Ма-на, энди Тошкент фонди ҳақидаги хабардан рости хурсанд бўлдик. Сўйиб-ардоқлаган кўнча ва нақдор шахри-мизнинг ўз фондини ташкил этсак, бунинг нимаси ёмон! Бу-нага факат ҳар бир киши сўзга эмас, балки амалда ўз улуши-ни қўйиши мумкин. Бизнинг институтимиз жойлашган Шота Руставели кўчаси биринчи беш йилликларининг комсомоллари қўли билан бунёдга келган, ободонлаштирилган. Кўчадаги ҳар бир дарахт ёки бино ўша йиллар ёшларининг жасорати-дан сўзлаётгандек туюлади. Бинобарин, бу ерда дов-дарахт-ни, умуман табиятни асраш, кўчалар ободонлигини амалга ошириш ва ариқ-ҳавзаларни тоза асраш ҳақида гап кетар экан, бундай хайрли ишни қўллаб-қувватлаш, умумий ишга ҳисса қўйиш даври келди, деб ўйлайман.

Х. ИНОҒОМОВА,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти комсомол комитети секретариининг ўринбосари.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

Газетанинг шу сонига интервью

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

26 март — СССР халқ депутатлари сайловиға икки кун қолди. Оқшомхонлардан мазкур сайловларнинг ўзига хос ҳусусиятларини, овоз бериш тартибини излаб беришни сў-раб жуда кўплаб мактублар келмоқда. Шу муносабат билан муҳбиримиз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. Ф. Манастиретская билан учрашиб, ундан ана шу саволларга жавоб беришни илтимос қилди.

— Тошкент шаҳрида депу-татликка қанча номзод рўй-хатга олинди? Улар қайси сайлов округларидан?

— Тошкент шаҳрида саккиз-та сайлов округи ташкил этил-ган. Шуллардан учтаси миллий-территориал, бештаси терри-ториал округлардир. Мазкур округлар бўйича округ комис-сиялари ҳаммаси бўлиб халқ депутатлигига 14 номзодни рўйхатга олди.

Сайловлар кунини барча сай-ловчилар иккитадан бюлле-тенъ олишади: улардан бири — зангори рангда — мил-лий-территориал округ бўйи-ча номзодлар, иккинчиси — оқ рангда — территориал ок-руглар бўйича номзодларнинг номи бўлади.

Сайлов участкалари қан-дай жиҳозланади? Тошкентда ҳаммаси бўлиб қанча сайлов участкалари бўлади?

Сайлов участкаси сайловлар кунини овоз бериш учун сайлов-чилар таъшир бунорадиган хонадан иборат. Одатда улар сайловчилар истиқомат қиладиган ерга яқин жойлашган бўлади. Участкелардан овоз бериш учун сайловчилар сонини СССР халқ депутатлари сай-лови тўғрисидаги Қонун билан белгиланган бўлиб, улар

летенларни олишади!

Сайлов бюллетенларини сайлов комиссияси сайловчи-ларнинг рўйхати ёки овоз бе-риш ҳуқуқини берувчи ҳуж-жат асосида паспорт ёки маз-кур шахсини тасдиқловчи бош-қа ҳужжат кўрсатилгандан сўнг беради.

Овоз беришда граждaнлар шахсан иштирок этишади, бош-қа кишилар номидан овоз бе-рилишига йўл қўйилмайди. Сай-лов бюллетенларини овоз бе-рувчилар яширин овоз бе-риш учун жиҳозланган каби-нада тўлдиретилади. Бунда у-зи қарши овоз берган ном-зодларнинг фамилияларини бюллетендан ўчириши лозим. Бюллетенларни тўлдирётган вақтда овоз берувчидан бош-қа бирор кишининг кабинада бўлиши манъ этилади. Бюл-летенни мустақил тўлдиретиш имкониятига эга бўлмаган сай-ловчи ўз хоҳишига кўра участ-ка комиссияси аъзоларидан бошқа бирор кишини кабина-га таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Овоз бериш вақтида битта-дан ортиқ номзод қолдирил-ган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилишига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Сайловлар кунини овоз бе-риш қандай ташкил этилади ва ўтказилади?

Сайловлар тўғрисида-даги Қонунга мувофиқ 26 март — сайловлар кунини овоз бериш маҳаллий вақт билан соат 7 дан соат 20 гача ўта-ди. Округ сайлов комиссия-лари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, участка

сайлов комиссияларининг так-лифига биноан сайловчилар-нинг бир қисми ишлаб чиқар-иш сабаблари билан қонунда белгиланган вақтда овоз бе-риш имконига эга бўлмаган айрим сайлов участкаларида овоз бериш муддатини ўзиш-лари мумкин. Бунда овоз бе-риш соат 6 дан эрта бошлаш-маслиги, ва 1989 йил 26 март тунги соат 22 дан кечикмай тугаллиниши лозим.

Айрим граждaнлар йирт-ма талонларин олиб ўзлари-га кўпроқ манзур бўлган ном-зод учун овоз бериш мумкин-ми, деб сўрашяпти.

Йўқ! Мумкин эмас. Қонун-га мувофиқ ана шу мақсадлар учун йиртма талонлар бери-лмайди. Ҳар бир граждaнни агар бошқа шахарга жўнаб ке-таётган бўлмаса ўз округидан овоз бериш ҳуқуқига эга.

Қандай ҳолларда истиқо-мат жойидан бошқа ерда овоз берилишига йўл қўйилади?

Сайловчи 10 мартадан 25 мартагача бошқа ерга кетиб қолган тақдирда участка сай-лов комиссияси унинг илтимо-сига кўра унга овоз бериш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома беради. Гувоҳнома паспорт ёки мазкур шахсини тасдиқло-ви бошқа ҳужжат кўрсатилган-дан сўнг, сайловчилар рўйха-тига мувофиқ берилади, сай-ловчи эса ана шу рўйхатда ўз имзосини қолдиради. Ана шу жиҳатдан асосида етиб ке-лган жойидаги сайлов участка-сида овоз бериш кунини сайлов-чиларнинг қўшимча рўйхатига киритилади.



СУРАТЛАРДА: Қўйишев районидagi 2-шаҳар клиник шифонасида жойлашган 76/143-сайлов участкаси секретари Н. И. Егорчикина Афғонистонда хизмат бурчинини ўтаб қай-гач, ушбу шифонада даволанаётган комсомол аъзоси, би-ринчи марта овоз берувчи Рустам Қаландаров билан сўх-батлашмоқда: шу райондаги 142-мактабда жойлашган 10/77-сайлов участкаси пропагандисти И. В. Калеев охи-рги марта сайловчилар рўйхатини кўздан кечиришда.

Х. Мирзакаримов фотолари.

СССР халқ депутатини сайлаш бўйича ОБРАЗЕЦ НАМУНА

Сайлов бюллетени Избирательный бюллетень

по выборам народного депутата СССР

1989 йил 26 март

26 марта 1989 г.

Самарқанд области

180-Қорадарё территориал сайлов округи

Қарадарьинский

территориальный избирательный округ № 180

Самаркандской области

Сиз қарши овоз берадиган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўчириш.

Вычеркиваете фамилии кандидатов в депутаты, против кото-рых голосуете.

Депутатликка номзодлар: Кандидаты в депутаты:

СОВИРОВ Қудрат

Уругат район «Правда»

совхозы бригада бошлиги,

Урамас қишлоғида яшайди.

Бригадир совхоза «Прав-

да» Уругатского района, про-

живает в кишлаке Урамас.

Самарқанд район «Ок-

тябрь» колхозы бригада

бошлиги, Қўргонча қишло-

ғида яшайди.

Бригадир колхоза «Ок-

тябрь» Самаркандского рай-

она, проживает в кишлаке

Қўргонча.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзод қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Избирательный бюллетень, в котором при голосовании остав-лено более одного кандидата, признается недействительным.

Асаларичилар учун

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ» номидаги Тошкент трактор заводида ППУ—32 маркали кўча асалари индари ишлаб чиқарила бошланди. Уларда бир йўла 32 қўти асаларини истаган жойга олиб бериш мумкин.

Ҳозир корхонада спорт комплекси, аттракционлар учун жиҳозлар, йиғма иресло, нарвон, бошқа рўзгор буюмлари ҳам тайёрланмоқда.

«Оймома» томошалари

«ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ Оломо-уц шаҳридан республикамиз пойтахти-га келган «Оймома» аттракционини йи-гирма биринчи мавсумини бошлади. 70 кишидан иборат гуруҳа аъзолари ўзлари билан ўнча ўйин, олтига ютуқлар ўйна-ладиган аттракцион олиб келиши ва мавсумини белгиланган муддатдан ўн кун олдин ечишиди.

Ҳар кунини 8—10 минг дам олувчи таширф буноратган «Оймома» аттрак-ционлари 14 майгача давом этади.

«Майсаранинг иши» Душанбе меҳмони

«ЕШ ГВАРДИЯ» театри санъат-корлари яқинда Душанбе шаҳрида бў-либ, Ҳамза Ҳакимзода Нисийининг «Май-саранинг иши» комедиясини намойиш

эти. Апрель ойининг дастлабки кунла-рида эса бу спектакль Фрунзе шаҳрида қирғиз томошабинлари ҳукмига ҳавола этилади.

М. СУЛАЙМОНОВ.



СУРАТДА: Ўзбекистон ССР Халқ хў-жайлиги ютуқлари инвистасиясининг мар-казий павильонида намойиш этилаётган «Совпаститал» кўша корхонаси иш-лаб чиқараётган махсулотлардан наму-налар.

Т. Каримов фотоси.

Саломатликка 100 минг сўм

«АГРЕГАТ» заводи территориясида янги поликлиника ишга тушди. Бунинг учун 100 минг сўм маблағ сарфланди. Поликлиника замонавий медицина ас-боб-ускуналари билан жиҳозланди. Бу ерда ишчи-хизматчиларга терапия, сто-матология, хирургия, урология ва бошқа ўнча яқин мутахассислик бўйича тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

С. ШАМСИДДИНОВ.

«02» хабар беради

Март ойининг ўтган ҳафтасида Тош-кентда 446 жиноят ва 40 ҳодиса рўй берди. Жумладан, 91 та тан жароҳати, 12 та зўрлаш, 8 та боқинчилик, 26 та ўғирлик, 21 та давлат ва 158 та шах-сий буюмларни ўғирлаш каби ҳоллар қайд этилди.

Фобобий кўчасида жойлашган уй-ларнинг квартираларидан бирида ўғир-лик содир бўлди. Номасълум шахс квар-тира қўлфини синдириб ичкарига кирган ва «Радуга» маркали телевизор, тил-ма, кикита тилла зирак, 1500 сўмлик мар-варидини ўғирлаб кетган.

Тунги соат 22 да Сергели массиви-да жойлашган турар жой биноларидан бири олдига турган «Иж-Юпитер» мото-цикли ҳайдаб кетилди. Жиноятчи Шота Руставели кўчасида қўлга олинди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Цех ижарага олинди

ТОШКЕНТ асбобсозлик заводининг халқ истеъмоди буюмлари цехи ижара-га берилди. 60 кишилик коллектив рўз-гор ва томоғра хўжаликларини учун тоқ-қайчи, отвёртки, тулқайчи, шунингдек фанерларни кесишга мўлжалланган ар-ралар ва бошқа хил буюмлар тайёрла-шади.

Ш. САДРИДИНОВ.

Серфарзанд оилаларга

мўлжаллаб


«НОВИЙ ПУТЬ» кўчасида ҳар биттаси 40 квартирандан иборат бўлган беш қаватли учта турар жой биносиди яқин кунларда ҳовли тўйларни ўткази-лади. Бинолар лойиҳаси «Ташгирогор» институти ходимлари томонидан тайёр-

ланган бўлиб, катта оилаларга мўлжал-ланган. 1-ўйсозлик комбинатига қараш-ли 21-қўриқлиш бошқармаси коллективини бунёд этган бу уйланиннг ташқи пар-дозида ўзбек миллий безакларидан фой-даланилган.

Д. ОБЛАЕВ.

Сули унидан

БУЛКА-КОНДИТЕР комбинатида республикамизда илк марта сули уни-дан тайёрланган печенье ишлаб чиқариш улаштирилди. Ҳозир бир кеча-кундузда 2 тонна шундай парҳез маҳсулот истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Комбинат коллективни харидорнинг талаб-эҳтиёж-ларини ҳисобга олиб, Кўнча даҳасида жойлашган 5-ишлаб чиқариш цехида ян-ги линияни ўрнатилмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 6 тонна сули унидан пече-нье тайёрланади. Янги линия май ойда тўлиқ қувват билан ишлаб бошлайди.



«Ташгорстрой»нинг 4-трестига қарашли 32-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этаяётган турар-жой бинолари юзлаб шахарликлар қувончига қувонч қўшипти. Нисёзов кўчасида қурувчилар барпо этаяётган 74 квартиралар кооператив уйда ҳам бугун ишлар қизғин давом этмоқда. Бунёдкорлар июнь ойида таъминот объект қурилишини низоҳатига етказиш ниятдадилар. © СУРАТДА: (чапдан) бетончи Роза Мухомедова, бригадир Владимир Алимов ва дурадгор Михаил Бурасовлар.

Т. Каримов фотолари.

Илгариги мавзуга қайтамиз

ДЕПУТАТ НЕГА РАНЖИДИ?

Энг аввало, мана бу мактубга эътибор беринг.

«Депутат халқнинг ишончли вакили. Zero, шундай экан, у ҳақиқатда сайловчилар ташвиши билан яшаш керак. Уларнинг ҳақиқатда ҳам, қувончига ҳам шерик бўлиши, юрт оғирини енгил қилиш йўлида жонбозлик кўрсатиши лозим. Шахсан ўзим депутатнинг асосий бурчини шундай тушунаман.

Касбим ўқитувчилик. Узоқ йиллардан бери мактабда дарс бериб келаман. Ўтган сайловда коллектив менден оддий педагогга катта ишонч билдириб, номзодимни Сергели район Совети депутатлигига кўрсатди. Камтарона меҳнатим шунчалик юксак қадрланганидан фойда миннатдор бўлдим. Иккинчидан, бу ишонч зиммамга катта масъулият юклиганини юрдан ҳис этдим.

Менинг номзодим кўрсатилган 130-сайлов округи «Нўғайқўрғон» маҳалласига жойлашган. Сайловчилар билан биринчи учрашувимиз нақазларга бой бўлди. Шу кунин ўндан ортиқ муҳим нақазларни дафтаримга қайд этдим. Булар орасида худди билан бажарилган лозим бўлган нақазлардан ҳам бор эди. Масалан, маҳалла маркази йўллари асфальтлаш, эски нақазлар биноси ўрнида амбулатория очиб қабилар шулар жумласидандир. Шу ўринда ушбу тақдирлар аналга бошқармасига ва соғлиқни сақлаш бўлимига ўз миннатдорчилигини билдиришчидим. Уларнинг сайрали ёрдамлари туфайли ушбу нақазлар аналга ошди. Сайловчилар олдига юзини ачуриб бўлди. Лекин баъзи нақазлар, бажарилмади. Чунки мен ёрдам сўраб борган ташкилот ва муассасалар депутат сўровига деярли эътибор беришмади.

Бир мисол. Сайловчилар менга районнинг «Ўзгариш» бека-тига светофор ўрнатиш хусусида нақаз беришди. Бир қараш-да оддийгина ишдек туюлган бу топшириқни халқ-ҳамон ба-жара олмади келаман. Бу орада худди шу жойда бир қанча кўнгилсиз воқеалар рўй берди. Машиналар тўнатишди. Одам уриб юбориш ҳоллари содир бўлди. Қўйингчи, бу авариялар-да ҳатто инсон ўлими каби бахтсиз тасодифлар ҳам бўлди.

Бу масала юзасидан биринчи марта Сергели район Совети ижроия комитетига мурожаат қилдим. У ердангилар фикримга қўшилишди. Лекин, факат натижани кутиб ўтирмай, депутат сифатида тегишли жойларга мурожаат қилишимни айтиб ўтишди. Район давлат автомобил инспекциясида бўлдим. Бу ердан «Ушбу иш билан фақат шахар ГАЙСининг махсус йўл-патруль хизмати шуғулланади» деган жавобни олдим. Шу йилнинг феврал ойида ўша ерда бўлиб ўтган иш билан шу-гулланувчи Нагаев номига арiza топширдим. Орадан олти ой ўтпти ҳамки, ҳамон ўша аризамга жавоб йўқ. Кейинги на-тижани кутиб ўтирмай ГАЙГА борсам, ҳар сафар ўртоқ Нага-ев бўлмайди. Бошқалар эса «Ишнинг факат шу киши ҳал қи-ладилар», деб қўл қовуштириб туришади. Наҳотки, биргина светофор ўрнатиш учун шунчалик овозгарчилик талаб қи-лиш?

Депутатдан иш талаб қилишди. Район ижроия комитети мажлисларида, сессияларда нақазларни ўз вақтида бажарма-ётган депутатларни танқид қилишди. Лекин ўша нақаз ки-минг айби билан бажарилмади қолганини сўраб-суриштириш-майди. Бординю, бу ҳақда сен гапирсанг, улар депутатга нег-хуқуқ берилганлигини рўқач қилишди. Бу гапдан шу маъ-но уқилдики, «Нима қилсанг қил, лекин нақазни бажар».

Биз Сергели район Советининг депу-тати Фехриддин Азимовнинг ушбу хат-юзи юзасидан газетанинг ўтган йил 9 август сонидида «Давр талаби» сарлавҳаси ости-да мақола эълон қилган эдик. Унда юқоридаги нақазнинг аналга оширили-шида тегишли ташкилотларнинг ёрдам бериши лозимлиги ҳақида ўқидрил-ганди.

Яқинда депутатнинг ўзи редакцияга кириб келди. Сўхбатдан маълум бўлди-ки, ҳали ҳам Тошкент — Сергели ма-гистраль йўлининг «Ўзгариш» бека-ти атрофида светофор ўрнатиш масаласи ҳал этилмабди. Демак, редакциянинг чиқишдан шахар ва район давлат ав-тоинспекцияси мутасаддилари тегишли хулоса чиқаришмади.

— Ҳозир СССР ҳалқ депутатлари сай-ловига қизғин тайёргарлик борапти. — Жойларда округ сайловолди учра-шувлари ўтказилпти. Номзодлар қиз-ғин муҳокама қилинапти. Уларнинг программалари билан атрофлик та-нишилпти. Шундай долзарб бир давр-да арзимас нақазнинг бажарилишига эътибор бермай, сайловчиларнинг ҳақли талабига пенжа орсидан қарай-ган автоматик рақбарлари хусусида қандайд сўз юритиш мумкин. Бу нима ўзи депутатнинг меъсимаслиги ёки де-монстрацияни тўла англаб етмаслики, — дейди бизга Ф. Азимов.

Ушбу материалга «Депутат не-га ранжиди?» деб сарлавҳа қўйганимиз-нинг ҳам босиб бор. Ахир депутатга қанг ҳуқуқ берилган, бунинг устига ҳозирги сайлов кампанияси давридаки, халқ вакили сўровига муносибат шун-дай бўлгандан кейин, ҳар қандай киши ҳам ранжидида! Биз шу ўринда КПСС-нинг XIX Бутуниттифок конференцияси

Резолюцияларида қайд этилган ушбу жумлаларни ана бир бор эслатиб қў-йишни жоиз топдик. «Партия ва давлат оргазлирининг вазифаларини аниқ бел-гиллаб қўйиш ва қўйидан юқоригага Со-ветларнинг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Давлат ва граждандар ўртасидан ўза-ро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни жамият барча аъ-зо-ларининг сийёси, қитисодий, социал ва шахсий ҳуқуқлари мудофиза қилиш-ни таъминладиган суд системасини ва бошқа муассасаларни ислоҳ қилиш билан бирга бу тадбир пировард нати-жада ҳамма нарсаининг ва ҳаммаининг қонунга сўзаси бўйишнинг олий прин-ципи бўладиган социалистик ет-казишга қаратилган. Бас, шундай экан, Советларнинг энг ақил кишилари бўл-ган депутатларнинг ҳақли истак ва та-лабларининг рўбга чиқишида мутасадди рақбарлар уларга яқиндан ёрдам бер-моқлири керак.

Сезиб турибмиз, баъзи газетхонлар биргина светофор масаласи шу қадер муҳимлигини, газетга бу мавзуга иккин-чи марта қайтса, деган саволини ўз ол-диларига қўйган бўлишлари ҳам му-мкин. Лекин гап факат светофор ўр-натишдир! Йўқ, албатта. Бу ерда сўз асосан депутат талаби аналга ошмай қолди. Шу арзимас нақазни бажа-ра олмай қўлчилки сайловчилар олдига унинг юзи шувут бўлиб қолди. Ҳўш, шундай бўлган, депутатга қай-сий сайловчи ишонди? Кечонки, у оддий бир ишни аналга ошира олганидан кейин киши унга қўнғилдаги муаммолар-ни, дардларини айтди! Мана гап нима хусусида борапти.

М. КОМИЛЖОНОВ.

ВETERАН

Советнинг иш тажрибасидан

«Ғамхўрлик» программаси асосида

Акмал Икромов райониди 30 мингга яқин уруш ва меҳнат ветеранлари истиқомат қилинади, уларнинг 3500 нафари Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва интернационалчи-жангчилардир.

45 кишидан иборат район ветеранлар Совети эса катта ишларни амалга оширапти. Унинг территориясида саноат корхоналари ва ташкилотлари кўп, 31 та маҳаллада ветеранларнинг деярли ярми истиқомат қилади. Районда бугун 1500 пенсионер яшайди. 160 ёлғиз кишилар бўлиб, доимий ғамхўрликка муштоқ. 110 бетеб ветеранларга Қизил Арим ой жаamia-ти ҳамширалари ва социал-таъминот бўлими ходимлари ёрдам беришмоқда.

Совет томонидан ветеран-ларни озин-овқат ва саноат моллари билан таъминлашга катта эътибор берилади. Бу мақсадда тўрт озиқ-овқат ва битта саноат магазиндан фойдаланилади. Савдо тармоқларининг ишини ветеран-лар назорат қилиб боришади. Бугунги кунда районда 70 Улуғ Ватан уруши инва-лидлари истиқомат қилади. Уруш ветеранлари ўзларини оталиққа олган 2-автотарк, «Сигнал» илмий-ишлаб чи-қариш бirlашмаси, «Чевар» корхонаси, районнинг яна бир қатор корхоналари ишчи-лари номини ҳўрмат билан тилга олишади. Район Со-вети ходимлари Е. Кравцов, И. Ботев, И. Приходько, Г. Заосерский, В. Юсуповлар

айниқса ўз фаолиятларини активлаштириб бормоқдалар. Акмал Икромов райони маҳаллаларида 22 та уруш ва меҳнат ветеранлари совети ишлаб турибди. Улар маҳалла комитетлари билан ҳамкорликда ветеранларни меҳнатга жалб этиш ҳамда

лишга тайёргарлик кўраёт-ган ўсмирлар билан учрашув-лар ўтказишади. Қолаверса, советнинг ўзида бирор кун йўқки, ветеранлар бирон-бир тақдир билан келишмаса, Улар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва халқ бўл-ган жангчиларнинг бола-ла-

теранларни ёдларидан чиқа-риб юборишган. Акмал Иро-мов район Совети ижроия комитети бу масалаларга алоҳида эътибор кўрсатса, кўнгиладиган иш бўлар эди. Ветеранлар совети иж-роия борица қарияларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг сло-матлигини мустаҳкамлаш учун санаторий, курортларга йўлланмалар ақратмоқдалар. Бу масалаларни ҳал қил-ишда район ижроия комитети бўлимлари билан ҳамкорлик ўз самарасини берапти.

Район ветеранлар совети бугун ижроия комитет биро-сида иккита кичик ҳоҳани эгаллаган. Ижроком иро-рига биноан бу ерда «Ғам-хўрлик» программасига би-ноан «Ветеран» комплекси барпо этилди. Бугунги кун-да мазкур комплекс зерур жиҳозлар билан безатила-моқда. Комплексида интерна-ционалчи-жангчилар учун ҳам алоҳида тарғибот хонаси та-шкил этиш кўзда тутилган. Худди шу бинода жойлаш-ган «Ветеран» кафеси ҳам кўпчилик кўнглини ҳўнуд этипти. Фикримизча районда ташкил этилган мазкур ком-плекс қурилишини ва вете-ранлар совети таърибазини шахримизнинг бошқа ра-йонларида ҳам оммалашти-риш мумкин.

Л. СУЗДАЛЬЦОВА.

Тошкент шахар уруш ва меҳнат ветеранлари совети-нинг секретари.

Ишчи мураббийлари

Фаолият жонланмоқда

Ҳар бир кишининг жамият-да, ҳаётида, иш жойида ўз ўрни бор. Ўзларининг қуч-қуввати, қалб қўрғини она-ба-там осяйишга, мамлакат-ми тараққийга, вазират фар-воқлиги йўлида сарф қилиб, ҳозирги кунда қарилки таъ-лими суриб юрган ветеранлар-инининг ҳўрмат-эътибори ба-ланд, ёъзоода. Уларнинг кўп-чилиги эса ҳамон ишлаб чи-қаришда қатнашмоқдалар. Жойларда тузилган уруш ва меҳнат ветеранлари советла-ри уларнинг фаолиятларини ак-тивлаштиришда муҳим роль ўйнапти. Мухбиримиз С. Ша-мидиновнинг «Ташхисель-маш» заводи уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси В. Н. Вершов билан сўхбати ана шу хусусида бўлди.

— Январ ойида бўлиб ўт-ган ҳисобот-сайлов йиғилиши-мида ветеранларимиз — совет-инини атрофликча таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликлари, рўй-рост айтишди. Асосан пахта-чиликда қўлланиладиган ким-ёвий дориларни пурақаш ва со-чишга ихтисослашган машина-лар ишлаб чиқариладиган кор-хонамида 130 нафар Улуғ Ва-тан уруши ва меҳнат ветеран-лари ҳамда интернационалчи-жангчилар бор. Совет ишини мониторинг ва активлашти-риш мақсадида бешта комис-сия тузганимиз. В. А. Наумов бошқараётган ёшлар билан ишлаш комиссияси корхонага янги ишга келган йиғит ва қизларни касбга йўналтириш, ишлаб чиқаришга бўлган му-носабатини яхшилаш бораси-да сўхбатлар ўтказди.

Завод фаолиятида муносиб ўрин тутатганимиз билан қувонамиз. Илгари партия, касабасоюз комитетларида Со-ветимиз аъзоларидан бирорта-си ҳам йўқ эди. Эндиликда эса комитетларнинг йиғилиши-да иштирок этиб, партиянинг топшириқли олиб билишимиз. Мен ўзим корхонада 42 йил-дан бери ишлайман.

Советимиз аъзолари учун бирорта хона жудд зарур. Рақ-барлар ваъда қилишпти. Бироқ чекки қўринамиз! Масла-ҳат сўраб ёни арзид билан кел-ганларни қабул қилишда қий-налянимиз.

Ҳозирда ёшлар билан йи-ма-ёни ишлаётган Г. Н. Володина, В. Харитонов, Н. Винониролар билан фахрла-намиз...



Ўрта Осиё геология ва минерал хом ашёсини ян-ти-тутишнинг физика ва химия лабораториясида катта иже-рий Мунира Мирҳамитовна «Бизнинг ветеранамиз» де-йишади. Ҳақиқатан ҳам у ёшларга меҳрибон, ҳаммасо-ларни ўртасида эса муносиб обрў-эътибор қозонган.

Институтда катта-ю-киндан сўрасангиз, бу аёл ҳи-нда унинг меҳнатсеварлиги, камтарлиги ва бошқа фази-латлари ҳақида мароқ билан сўзлашади. Албатта, бир коллективда ишлаб, шунча-лик обрў-эътибор қозониш-нинг ўзи бўлмайди. Бунда энг аввало унинг ўз изи-фасига ҳақиқат масъулият ҳисси билан ёндошиши катта роль ўйнамоқда.

СУРАТДА: Мунира Мир-ҳамитова.

Муаллима Ҳамида сафда

30—35 йиллар ёшлар билан ишлаган киши-лар, пенсияга чиқсалар ҳам мактаб томон таълимининг табиий бир ҳол, деб ўйлайман. Умрини шу касбга бағишлаган ўқитувчилар-нинг болаларга меҳри, қалб қўрлари ҳақида кўпгина илқ сўзлар айтиш мумкин. Аввало шу меҳр бўлмаса, бир мактабда бунчалик узоқ йил ишламасди. Одатда, кечганина олий ўқув юртини битириб келган ўқитувчининг билими, етарли бўлгани билан ҳали таърибаси етишмади. Ана шунда ветеран-ўқитувчилар-нинг таърибаси асқотди.

Шундай таърибали ўқитувчилардан бири мактабнинг биология ўқитувчиси Ҳуррият Саидовадир. Уни таъбат шайдоси дейишди. У ёшларни мактабнинг катта ҳовлисида тур-ли-гуллар, дарахт қўчқатлари ўтказиш, улар-ни ардоқлашга, табиат гўзаллигидан завқла-нишга ўргатади. Энг катта сифатини наму-нали биология, зоология кабинетига айтил-риган. Бу ерда 12 ой турли гуллар бўй та-рибати туради. Юздан ортиқ плакатларда та-биат яратган бойлик ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Бу эса дарсларни қизиқари-либ, кўргазмалар воситалар асосида олиб бориш учун қўлай имконият туғдиради. Қу-бориш учун қўлай имконият туғдиради. Қу-бориш учун қўлай имконият туғдиради. Қу-бориш учун қўлай имконият туғдиради.

Ҳурият ола 5-«Б» синфига моҳирона рақ-барлик қилимоқдалар.

Ҳурият ола 8-«Б» синфига моҳирона рақ-барлик қилимоқдалар.

С. СУЛТОНОВ, Киров районидида 70-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР ҳалқ маориф аълчиси.

ОДАТДАН ТАШҚАРИ КОНКУРС

Швейцариянинг Санкт-Галлен шахрида кинининг ошқозони мустаҳкамлиги бўйича одатдан ташқари конкурс ўтказилди. Мусо-бақа қатнашчилари (жа-ми 42 киши) ўттиз минут ичиди имконияти борица кўп олхўрнин дاناги билан қўнғилларни керак эди. Конкурс шартларига ри-оя қилинишини 10 киши-дан иборат жюри ҳўш-р-лик билан қузатиб турди. «Янхўтте» ресторани-нинг бармени Иоахим-Гюнтер Пандер конкурс голиби деб тоинди. У белгиланган вақт ичиди ҳеч тикилмай 193 дона олхўрнин данаги билан ютуб юборди. Унинг бу муваффақияти Гиннеснинг Рекордлар китобидаги «Мустаҳкам ошқозонлар» бў-лимига қайд этилди.

СОВИК ДЕНГИЗЧИ МАКТАБИ Британиялик денгизчи Тедди Паркер деярлик бу-

Турфа оғам

тун умрини — 43 йили-ни денгиз ва оқаларда сузиб ўтказган. У турли кемаларда сузиш билан бир қаторда ҳар бир ден-гизчи яхши билиш ло-зим бўлган денгиз туғу-ларини боғлаш, санъати-ни тинмай эгаллаб бор-ган. Ҳозир у денгиз ту-гуларининг боғлашининг 43 турини билади вабу санъ-атга барча ҳоҳини билди-рганларни бажониди ўр-гатамоқда. Бунда ташқа-ри, истефого чиққан ден-гизчининг камтарини уйда ўттишда ва ҳозир флотда қўлланиладиган ар хил арқонларнинг коллек-цияси бор. Энг лишиқ, сувда чўкмайдики Мани-ла арқони, қанопдан ту-қилган арқонлар ишқор-лар ва нефть яъсирига бардошли арқонлар, тун-да нур таратувчи, қорон-ғилида ҳам қўнанидиган арқонлар шулар жумласи-дандир.



Объективда—Дехли

Американин «Юнкон кар-байд» компаниясига қарашли химия заводидидаги фожиани бошидан кечирган юзлаб ки-шилар саломатликлариға ет-казилган зарар эвазига тўлов-ларининг низоҳатда қамлигидан норозилик билдириб, Ҳиндис-тон пойтахтида қамлигидан норозиликга чиқиб кетгани на-тижасида Бхопалда 3,5 минг-таш икки киши ҳалок бўлган, 50 минг шахар аҳолиси жи-ддий заҳарланганлиги ёнғинида бўлса керак.

Намойишчилар Олий суд қарорини рад этиб, Ҳин-дистон шахрида рўй берган фожианин айдорларини жи-ноий жавобгарликига тортишни талаб қилди.

СУРАТДА: намоиш пайти-да. Рейтер — ТАСС телефотоси.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

ВАШИНГТОН. Туркия пар-ламентининг раиси Йил-дирим Оқбулат Эрон мажлисининг Туркия и-чи ишларига аралашаётгани хусусида норозилик билди-риди. Эрон парламентининг 150 депутаты Туркия конституцион суди Туркия университетларида студент қизлар мусулмонлар-нинг махсус рўмоли — тор-бан ўрашми тақиқловчи қарор қабул қилганига қарши нороз-лик билдиригандан кейин бу ҳақда баъбот билан кидди.

Торбан ўраб юришга рухсат берувчи қонун лойҳаси ол-дин Туркия парламентида маъ-қулланган эди, лекин президент К. Эрон бу қонун лойҳасини тасдиқламади. Бироқ қонун лойҳаси парламентдан ик-кинчи марта ўтгандан кейин президент уни конституцион суд қўриб чиқиши учун ҳаво-ла этди, конституцион суд эса парламентнинг торбан тў-ғри-сидида қарорини қайри ко-нуний деб та олди. Шундан кейин Анқарада, Истамбулда ва мамлакатдаги бир қанча

бошқа катта шахарларда му-сулмон экстремистларининг намоийшлари бўлди, улар кон-ституцион суд қарорини бекор этишни талаб қилди. ЮПИ агентлиги президент маҳка-масига яқин доираларга таъ-ниб хабар қилишча, прези-дент Эрон турк ақидпараст-ларининг намоийишда Эрон-нинг қўли борлиги сезилиб турибди, деб ҳисобламоқда.

МАНАҒУА. Қўшни мам-лакатлардан минглаб қо-чоқларнинг ваганга қай-тиши билан Никарагуадаги ақ-дидан секин-аста изга тушмоқда. Ҳозирги пайтда Никарагуа Америка Қўшма Штатларига ёлланган газандалар етказган жароҳатларни деволамоқда. Кейинги уч йил ичиди мамла-катга қарийб 35 минг фуқаро, шу жумладан халқро ҳам-жамиятнинг фаол кўмаги на-тижасида 17,5 минг киши қай-тиб келди.

Республика бўйлаб

© Бухоро областидида СССР 60 йиллиги номли совхозда асаларичилик фойдала бўлиб қолди. Ишни ижарачи асалари-чилардан Р. Ҳолиқов, Э. Жў-раев, А. Исмоиловлар йўлга қўя олдилар. Масалан, улар ўтган мавсумда 90 тонна — шартномада келишганидан уч-дан бир ҳисса кўп шифобахш махсулот топширдилар. Бу — тўхталмика 123 минг сўм соф фойда олиш имконини берди. Энди янада юксак марра — 100 тонна асал топшириш мўл-жалланмоқда. Шунинг учун ҳам асаларичилар ҳозир уа-ларин алоҳида диққат билан ремонт қилмоқдалар, асал йи-ғиш жойларини танламоқда-лар.

— Аскар Азизович, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш комитети нима мақсадда ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари нимадандан иборат бўлади?

— Комитетимизнинг ташкил топганига бор-йўғи бир ой бўлса-да, шахримиз экологик ҳолатининг мушкуллигини эътиборга олиб, ташкилий даврнинг ўзидеъ амалий-тадбирий ишлар бошлаб юборилди. Эндиликда комитетнинг тузилиши белгиланди, ташкил этилаётган жамоат кенгаши таркибига жамоат ташкилотлари, маъмурий ора-танлар, иқдоркор зиёвчилар, матбуот, теле-видение вакиллари киришди. Комитетда ишлаб чиқариш, техникавий, экологик-техникарий, илмий-техникавий тараққиёт ва тарғибот бўлимлари ташкил этилмоқда.

ичида Ўзбекистон ССР Фанлар академия-сининг илмий-тадқиқот институтлари, САНИГМИ, «Ўзгидромет» ва олий ўқув юртинининг кўпчилик олимлари билан ўз-вий алоқа ўрнатди. Улар билан шахримиз табиятини муҳофаза қилиш, мавжуд илмий ва техникавий ютуқлардан фойдаланиш ма-салалари аниқланди. Шунингдек, олимлар «Билим» жамияти орқали атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича тарғибот ишларини олиб боришлари белгиланган.

Бўлим ўз фаолиятини ошқоралик билан олиб боради. Ҳар ойда оқшомхонлар учун шахримиз бўйича сув ҳаво ва тупроқнинг экологик ҳолати тўғрисида экологик кунда-лик чиқиб туради. Булардан ташқари, оқ-шомхонлар табиат назоратчиларининг иш

Аср билан тенглашиб



Хусайн Шамс номли 4-ўрта мактаб ҳовлиси байрамона безатилган. Бу ерга келатган ёш кексалар, тақлиф этилган меҳмонларнинг кети узилмайди. Кимга қараманг чехрасида табассум, лабиди кулгу. Барчада шукронанинг туйғуси акс этган.

Баҳор шодияси бошланиб кетди. Тожиев номли ма-ҳалла комитетининг раиси Ш. Темиров йиғилганларни Наврўз билан табриклаб, ўзининг 100 ёшлик тўйини ни-шонлаётган Муҳаммадали ота Даминовни даврга тақлиф этди. Табарруқ отахон Оқтябрь инқилоби ва ундан ке-йинги сермазон ҳаёти ҳақида гапириб берди.

Тантанада ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, шоир Барот

Бойқобиллов, қизқичилар — Обид Асомов, Тўхтамурод Азизов ва бошқа таниқли ижодкорлар иштирок этишди. Баҳор, Наврўз, дўстлик, меҳр-оқибатни тараннум этувчи куй, қўшиқ ва интермедиялар янгради. Йиғилганларга ҳақим тортиқ этилди.

Акмал Икромов районда бўлиб ўтган бу кеча сўнгидеъ Муҳаммадали ота Даминов мактаб ҳовлисига қўчат ўт-қазди.

О. МАХМАДУСОВ.

© СУРАТДА: аср билан юз кўришган отахон онла даврасида.

Шахсий фикр

ТОШКЕНТ ФОЛЬКЛОРИ ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Инсон даставвал ўзини, тугилиб вояга етган замани атроф-муҳитни, ён-атроф-дагиларини қўшиқча солади, улар ҳақида куйлашдан чарчаймайди. Ана шу ўз жо-ий, ўз шаҳри, ўз қишлоғи, ўз Ватани ва кишиларини куйлаш орқали бутун инсо-нияга хизмат қилади.

Бу ҳол, ҳалқ оғзаки ижоди, унинг ижодкорлари ва ижрочилари ҳам хо-сдир. Тошкентдаги фолклор намуна-лари яратилди, жонли анъаналарда яшаш, характери каби хусусиятларга кўра миллийлар, аммо гоъий йўналиш, бадиий эстетик таъсир этиш кучи, умуман маданият ҳалқ идеали ва фан-тасаввир бадиий ифодаси билан интернационал характери касб этди. Бу шундай бўлиб қолади. Бунинг фолклор-миксидеъ ҳам ақлоқ кўри-шмиш мумкин.

Узоқ йиллардан бунинг ўзиниш яшаш турган, аҳолиси этиш жихатдан хилма-хил ва кўп бўлган ушун шаҳар ҳалқи тилида жонли анъаналарда яшаш, кўз жихатини ўтатиб келатган қадимий ҳақида замонавий фолклор билан қи-зиқишимиз тўғрисида куйлаб куйилган айрим намуналар, шунингдек хилма-хил тарихий соломалар, бадиий-адабий асарлар орқали этиш келган намуна-ларини ўрганиш шунинг кўрсаткичи, Тошкент қадим-қадимлардан бадиий сўз санъати бобидеъ, биринчидеъ: ўзи-нинг ёзма адабиёти, мусиқа ва мўй-қалам соҳиблари — фарзандлари билан шарҳда донг таратган бўлса, иккинчи-дан оғзаки ижоднинг гўзал намуна-ларини, унинг ижодкор ва ижрочи вакил-лари билан ҳам мақтасиз эргизгудек ном қозонган.

«ХХ аср охирида энг яқини шаҳар ҳисобланган Тошкентда ҳам бах-шлар яшаганиликлари ҳақида маълум-лотлар бор». (Ўзбек ҳалқ оғзаки поэ-тики ижоди, Тошкент, 1980, 196-бет).

Ҳа, Тошкент дунёга ҳалқ бўлиб та-ниқлибди, ўзининг оғзаки ижод вакил-лари — бахши-шоирлари, эртакчилари, қичқичилари, мусиқачилари, қизқичи-лари, асқичилари, латифагўйлари, бир сўз билан айтганда, зукко, бадиий сўз-га чечан, мусиқа, рақс ва куйга моҳир ўғил-қизларига эга бўлган. Уларни ўз бағрида она фарзандини суёб ердок-лаганлар, асраб-авайлаб воғта етказ-ган, камол топтирган. Кейинча эса улар сафига машҳур қиссахонлар, ҳалқ ма-д-

дохлари, воқзалари ва сўз усталари ке-либ қўшилган.

Назаримда юксак санъат, илм-фан ва маданият шаҳри бўлган Тошкентдаги му-ҳит ҳалқ оғзаки ижоди—фолклорини шаклланиши, яшаш ва ривожланиши ҳақида оммавийлашувига монелик кўрсат-маган, чоғи.

Тошкент фолклори мазмунан қад-роғи беназир кенг, жанр имконияти ниҳоятда бойдир. Бу ерда қадим за-монлардан бошлаб фолклорнинг даяр-ли барча жанри ривожланган дейиш мумкин. Ўзига хос бахши-шоирлик санъ-ати намуналарини, қўшиқ, эртак, аския, қизқичлик, топишма, мақол, матал, нора, ҳикоят, латифа, афсона, ривоят, лоф, болалар ижоди, оғзаки драма, меҳнат, мавсум ва маросим фолклори, олқишлару қарғишлар, марсия-йўлдо-лар, айтимлар, қиссахонлик, мадҳонлик, қўйғучлик, қошиқ йўналишлари, йиғилар рақслари шулар жумласидандир. Бу жойда ҳам меҳмонхоналардаги гап-гаштанлар, хонадонлардаги оилавий қи-зиқишлар, чойхоналардаги сўбатлар, шунингдек тўй-томошалар, оммавий бай-рам-сайиллар, маросимлар фолклор-сиз, ҳалқ рақс-йўналишларисиз, мусиқасиз ўтмаган.

Хусусан, шаҳарнинг пайдо бўлиши, тарихи, босиб ўтган йўли, босқичли-ларга қарши олиб борган курашлари, ўн икки дарвозаси, рабоблари, бинолари, паст-баланд жойлари, тепаликлари, дарё-жарлари билан боғлиқ афсоналар, нақл-ривоятлар беҳисоб.

Тошкент фолклори саҳифалари ин-тернационал. Чунки бу ерда маҳаллий аҳоли — ўзбеклардан ташқари кўп-ла руслар, татарлар, уйғурлар ва бошқа миллат кишилари ҳам аздадан яшаш келди, уларнинг ҳам оғзаки ижод на-муналари бор.

Шуниси таажжубланарлики, биз — фолклоршунослар қўшиқ ахтариб, ма-қол, топишма, эртак, афсоналар излаб республикамизнинг узоқ-узоқ бурча-ларига бўламыз. Ҳафталоб, баъзан эса ойлаб фолклор асарларини излаймиз. Овулла-овул, шаҳарма-шаҳар, тоғма-тоғ ошиб пийда, гоҳ от-улоғда элгата-элат кезиб, қанчадан-қанча қизқичликларни буюдан кечириб ҳалқ оғзаки ижоди на-муналарини ёзиб оламиз. Аммо шундан қийнабдики турган бекхис катта бой-лик—бетакор бадиий ижод дурдонала-

рини кўрсак ўзимизни кўрмасликка ола-миз, эшитмас эшитмасликка оламиз. Ахир Тошкент аҳолисининг ўндан бири-дан битта мақол, матал ёхуд афсона ёзиб олinsa борми, бизнисми қанча материални кўлга киритган бўламиз! Биз урғашган кекса отахонлар, онахон-ларнинг ҳар бири эса ўн ва ундан ор-тиқ афсоналар, ўттиз-қирқтаб мақол-маталлар, турли мазмунлардаги қўшиқ-ларни (айтилар, ёр-ёлар келиш солом-лар, лирик тўртлик, замонавий лаварлар ва ҳоказо) ёддан биладилар.

Ушмишда Тошкент фолклори ҳалқ оғзаки ижодиётининг минг-минг йил-лик бебаҳо саҳифалари ўз вақтида қаламга олинмаганилиги сабабли бизча еттиб келмади. Ҳозир ҳалқ ижодиёти дурдоналарини йиғиш, тартибга келти-риш, чоп этиш, тадиқ қилиш борасида жуда катта таърибга тўлганган, Комму-нист партия ва Совет ҳукумати фолк-лорга катта аҳамият бераётган, ўн йил-ганишга гашхўрликни аяматган бир пайтда ҳам Тошкент фолклори неғадир ўрганилмай келинганлигини қандай изохлаш мумкин! Бу ҳалқ оғзаки ижо-дини ўрганиш ишларига тортиб, улғайга бош-қош бўлувчи раҳнамо йўқлиги са-баб, деган фикрдаман. Республика Фан-лар академиясида, Тошкент Давлат уни-верситети, Маданият, театр ва рассом-лик санъати институтлари, қолавер-са Ҳамза номидаги санъатшунослик ил-мий-текириш институтини, Ўзбекистон ил-мий-тадқиқот институтида ишлаёт-ган мутахассис-фолклоршуносларнинг бошин қовуштирилса ҳалқ оғзаки ижоди-мизнинг улкан бир қисми — Тошкент фолклорини ҳар томонлама тўп-лаш, ўрганиш мумкин. Бунинг қанча тез амалга оширсак дунёчилик яқин, Чунки, билим-дон кексаларнинг ҳар бири ғанимат...

Шу бонсдан ҳам яқин ойлар ичидеъ Тошкент ҳалқи орасида тарқалган ва айтиб юрилган анъанавий ва шу кун-ларда ҳам яратилаётган замонавий ўз-бек, шунингдек рус, татар, уйғур ҳалқ оғзаки ижодини ўрганиш учун махсус комплекс экспедициялар ташкил этиш мақсада мувофиқдир. Бу ишга Тошкент оқшоми газетаси ҳам ўз ҳиссасини кўшса айни мудоао бўлур эди.

М. МУРОДОВ,
профессор.

Газетхон

ИЛТИМОСИГА

кўра

Илон йили

белгилари

Ҳурматли редакция! Қадимий йил ҳисоби бўйича 1989 йил Илон йили ҳисобланади. Унинг қонлот ва Қуёш билан боғлиқ томони борми? Шу ҳақида ма-қола беришингизни ил-тимос қиламиз. Барно НОСИРОВА, Муҳайё ЗОКИРОВА, Боғча тарбиячилари.

Бу саволга аниқ жавоб беришдан олдин Илон йи-ли планетамиздаги мав-жуд кўп-ла календарлар-нинг қайси бирига мансуб эканлигини азия оқшом-хонларга айтиб ўтиш жоиз бўлади. Шунинг учун «кўп-ла календарлар»-нинг тузилишига нима сабаб бўлгани ҳақида тўх-тайлик.

Маълумки, Ер юзидеъ вақт ҳисобини олиб бо-ришга эҳтиёж юзидеъ қад-димда туғилиб, натижада кишилар, даврий равиш-да қайтарилиб турувчи вақтнинг бирликлари — кеча-кундуз, ой ва йиллар асосида турли соломна — календарларни ўйлаб то-пишган. Мана шу вақт бирликлари эса Ой ва Қу-ёшнинг даврий кўришма ҳаракатлари асосида ту-зилиб, бу осмон жисмла-ридан қайси бйрининг да-ври асос қилиб олинганига кўра соломналар Ой кален-дарлари, Қуёш календар-лари деб юритилган. Бу соломналарда вақт оралиғи си-фатида осмон жисмла-рининг айланиш даврига ётади. Масалан, Ой кален-дарлари дейилувчи календар-да Ойнинг Ер атрофида Қуёшга нисбатан айланиш даври — синодик давр (яъни Ойнинг бир хил фа-зада икки марта тегма-кет бўлиши учун кетган давр) олинди. Ҳикрий календарлар деб ҳам аталу-вчи бу календарь 622 йил-дан бошланган бўлиб, бир йилнинг узунлиги 354 (ёки 355) кунга тенгдир.

Ер саёфарида кенг тарқалган, жумладан ўзи-мишда ҳам ишлатилган календарлар — Қуёш календарлари бўлиб, унинг асосида Қуёшнинг кўришма ҳаракатининг даври — бир тропик йил ётади. Бир тропик йил 365 сут-ка, 5 соат, 48 минуту 46 секундга тенгдир. Би-ринчи марта Римда Юлий Цезарь томонидан жорий қилиниб, 1582 йили Рим папаси Григорий XIII то-монидан ислоҳ қилинган бу соломна — Григорий календарлари (папа Григорий XIII шарафига) деб ном олади.

Биз «хавфлиги»ни аниқламоқчи бўлган Илон йили ҳам аслида Қуёш календарининг бир тури-дир.

Ҳайвонларнинг номла-ри билан аталган йиллар-да табиатда юз берадиган ҳодисалар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Қўпчилик, 1976 йили мўн-қўл ёғингарчиликни Балиқ йили бўлганидан кўришди. Бироқ, баҳор-даги ёғингарчилик ўрта Осиёнинг маълум жой-ларида бўлиб, ваҳоланки худди шу йилда Англия, Франция ва бошқа мамла-катларда қўрқоқчилик юз берди. Яна шу йилда па-нетамишда ер қийриш-лар, турли фалокатлар бошқа йиллардагидан кўп бўлди.

Ҳўш, 1989 — Илон йи-лида Қуёш активлигини ўзи-нинг қайси босқичини ўтади? Ундаги актив ҳо-дисалар қай даражада бў-лади? Қуёш активлигини астрономлар яқин ўра-нишган. Қуёш активли-гининг охириги максимуми 1979—1980 йилларда ку-затилиб, минимум 1985—1986 йилларга тўғри кел-ди. Шунга кўра, бу йил-да Қуёш активлигининг на-вбатдаги активлиги дав-рининг учинчи йили тў-ғри келади. Бу даврда Қуёшда доғлар сонн кам бўлиб, ундаги энг кучли активлигн намён бўла-диган ҳодисалар — хромо-сфера чакнашлари, порт-ловчи (эрүтив) доғлар сонига кўра маълум меъ-рда кузатилади. Натижа-да бу даврда Қуёшнинг Ер атмосфераси ва био-сферасига таъсири сези-ларли даражада бўлмай-ди. Шунинг учун Илон йилида сайрамаишда дах-шати фалокатлар бўл-майди, деб дадил айтиши-миз мумкин.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фан-лари кандидати, астро-ном.

Танишинг: шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети

Атроф-муҳит ҳаммамизнинг назоратимизда

Яқинда Тошкент шаҳар табиатни му-ҳофаза қилиш комитети тузилди. Муҳби-римиз шу комитет илмий-техникавий та-раққиёт ва тарғибот бўлимининг бошли-ғи, география фанлари кандидати А. А. АКВАРОВ билан комитет вазифалари, атроф-муҳитни яхшилаш соҳасида унинг олдида турган вазифалар хусусида суҳ-батлашди.

яқини билан ҳар ойда танишиб борадилар. — Ҳамшаҳарларимиз бирор жойда таби-ат муҳофазаси бузилиши ҳоллари юз бер-ганда комитетга хабар қилишлари мумкин-ми?

— Албатта. Аҳоли яшаш турган жой ат-рофида ҳавода газ ва тўтун пайдо бўлганда, сув манбаларини ифлослантирилаган, ке-чалари чиқиндилар ёқилаётган, дов-дарх-лар ноўрин қўприлиб, гулзор-хивоблар пайҳон қилинганда ва бошқа шу каби ҳол-лар ҳақида Тошкент шаҳар табиатни му-ҳофаза қилиш комитетига қуйидаги адрес ва телефонлар орқали хабар бериш мумкин.

Пролетар кўчаси, 4-уй (телефон: 33-74-75) ва Куйбишев кўчаси 5-уй (те-лефонлар: 33-07-48; 33-66-60).

Азиз ҳамшаҳарларимиз Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ишти-га ўз истак, тақлиф ва мулоҳазалари билан ёрдам берадилар, деб умид билдирамыз.

Суҳбатни Т. РАСУЛЕВ ёзиб олди.

Ижодий ҳамдўстлик кўламлари

ЭД МАККОЙ:

Ўзбекистон—аждодларим юрти...

Тошкентдаги СССР Халқлари дўстлиги саройининг саҳнаси беш кун давомида икки мам-лакат — СССР ва АҚШ эстра-даси вакиллари ихтиёрига бе-риб қўйилди. Қўшиқчи Алек-сандр Малинин ҳамда унинг АҚШдан келган ҳамкасблари Эд Маккой ва Рашининг Ўзе-бекистон пойтахтидаги концерт-лари тинчлик ва дўстлик таши-рифта айланди. Алла Пугач-чеванинг қўшиқ театрига ки-рувчи артистлар Сидирь ва Урал шаҳарлари бўйлаб сафар-дан кейин бу ерга келдилар. Сўнг улар гастролларининг маршрўти Ленинград, Москва, Киев, Одесса орқали ўтади.

Америкалик артистлар Тош-кентдан жунаб кетиш олдида матбуот конференцияси ўтқа-зиш истагини билдирдилар. Со-вет маданият фонднинг Ўзе-бекистон республика бўлими улар учун матбуот конферен-цияси уюштирди.

— Биз икки буюк давлатимиз ўртасидаги ишонсизлигини бар-тараф этишга бевосита муло-қотдан кўра ҳеч нарса тезроқ ва яхшироқ ёрдам бера олма-салигини англадик, — деди Эд Маккой. — Биз маданий қад-риятларимиз билан кенг кўла-мда танишиб, ўз санъатимизни намойиш этиш учун катта им-коният пайдо бўлганигидан қувонмоқдамиз. Қайта қуриш тўғрисида бир-бирларимизни яқиндан билиш чегараларни кенгайтиб, ёлгон ва тушунмов-чиликларга барҳам беришмоқ-да.

— Мен Ўзбекистонга сафар-

ни эфр интизорлик билан кут-дим. Гап шунданки, Ўзбекистон — аждодларимизнинг юртидир. Менинг бобом арабистонлик Хуршид Муҳаммад бир вақт-лар Вухорода яшаган. У ўтган асрининг охирида Эронга, у ер-дан Ҳиндистонга сафар қилган. Мен Ҳиндистонда тутилган-ман. Гарчи мен Ҳиндистонлик бўлсамда, насл-насабим томи-лари ўзбеклар дийёрига келиб тақалади. Хонадонимизда бу-ни ҳаммиса ёдда тутганлар ва асдан чиқармайдилар. Ҳозир отам 84 ёшда бўлиб, у ҳаммиса қадрдон жойларга келишини ор-зу қилган. Мен унинг учун Ўзе-бекистонда кўрган-кечирган-ларимни ва албатта, Вухоро ҳамда Самарқанд кўрinishла-рини видеокассетага ташир-дим.

— Кўрган нарсаларингиз тўғрисидаги таассуротларингиз-ни сўзлаб берсангиз.

— Шаҳринишдан менда уну-тилмас таассурот ва энг өзгу хотира қолди. Бу айниқса ноёб қадимий ёдгорликларга таал-луқлидир. Улар мен болали-гимдан қандай тасаввур этган бўлсам, айна шундай намён бўлди. Ана шу ёдгорликлар қандай сақланганлигини би-лиш, тарихини келгуси авлод-лар учун сақлаб қолаётган аjoyиб кишилар — таъмир-ловчилар билан танишиб биз учун мароқди бўлди.

— Эд, ўзингиз ҳақингизда бирмунча батафсилроқ сўз-лаб берсангиз.

— Ешим 39 да 10 яшар пай-тимда ота-онам билан Ҳинди-

стондан АҚШга кўчиб кетдик. Ҳозир Лос-Анжелесда яшайман. «Юнайтед артист Интерней-шнл» ва «Горнер Бродерс» кон-церт фирмаларида ишлайман. Маълумотимга кўра инженер ва адвокатман. Отамнинг «хо-ҳиши билан ана шу касбларни оғаллаганман. Отам менинг иш-бизармон одам бўлишимни ор-зу қиларди. Аммо мени ҳами-ша ўзига ром этган музика у-стунлиқ қилди. Гарчи мен бу борада бирмунча муваффа-қиятга эришган ва моддий жи-ҳатдан дурустгина таъмин-ланган бўлсамда, отам менинг ҳозирги машғулотимдан хур-санд эмас. У музикани жиддий касб эмас деб билади. Мен эса музика инсоннинг маъна-вий бошиги учун кўп нарсала-ри беришга қодир, деб ўй-лайман. Ўн, бир яшар ўғлим Хуршид ҳам музика билан шу-ғулланади. Ўғлимга бобомнинг номини қўйганман. У ҳам ўта Осиёда бўлишни орау ки-лади.

Эд Маккой — менинг таҳал-лусим. Ҳақиқий исми — Ма-лики Ахтар Оқил. Гарчи мен эъ-тиқотли атеист бўлсам-да, турли динлар мени қизиқ-тиради. Қўрықсини, Виб-ли ва бошқа муъад-дас ёзувларини ўргандим. Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Алмиер Навоий, Улуғбек тўғ-рисида ўқитганман. Буларнинг ҳаммасига отам сабабчи, албат-та.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ муҳбири.

Санъатнинг сеҳрли олами

Ҳиндистонда янграган сурнай навоси

Ҳурматли редакция!

Мен ўзбек миллий чолгу асбобларида ижро этилган куй-ларни севиб тинглайман. Машҳур сурнайчи Аҳмаджон Ҳо-жибоев чаплаган наволар, айниқса ёқиди. Ёзувчи Турғун Пўлатнинг «Ичкўё» асари асосида ишланган видеофильм-нинг бошланғичида у чалган куй қалбимни сеҳрлаб қўйди. Сизлардан илтимос, моҳир созанданинг ҳаёти ва ижоди-ни газетда ёритсангиз.

Тошкент шаҳри, Акмал Икромов район, Яқин кўчаси-да яшовчим:

Илос АБДУЖАЛИЛОВ.

Ўзбек хонадонидеъ дунёга келган фарзанднинг қўлоғи-га, ҳали у чақалоқлигидеъ сурнай навоси ўрнатиб қолар эмиш... Бу ҳикматона гап мо-зийдан қолган.

Эсимда, болаликнинг маъ-сум чоғларида фарзанд ту-ғилган ҳовлига тонг саҳарлаб «Фарзанд муборак!» куйини чалиб, сурнайчадан кириб ке-лишган. Бир зумда хонадон гавжуллашиб, тўйхонага ай-ланиб кетарди.

Бугунги кунда ҳалқ сайилла-ри, кулги ва аския кечаси, концерт, фестивал ва бошқа байрамлари сурнайсиз та-саввур қилиш қийин. Моҳир ҳалқ усталари уни оддий ёғоч-дан, най каби нозик парда-лар очиб, қаб қўрини тўкиб ясашган. Кўринишдан жуда содда. Аммо қийматга келти-риб чала олиш ҳаммамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўп йиллар Муқийли номли музи-ка драма ва комедия теат-

риде ишлаган, республикада хизмат кўрсатган артист, мар-хум Ашурвали Юсупов, Самар-қанд дорбозалик Қайом ота Азизов, соз устаси Маҳкам Собиров, Давлатилла Нурул-лаев сингари устозлар аjoyиб мактаб яратиб кетишди. Улар маҳорати сирларини ўрганган санъаткорлар ҳозирги кунда талайгина. Шулардан бири — Аҳмаджон Ҳожибоев миллий анъаналарни кунт билан давом эттирапти. У сурнайда куй ижро этса қалб ором олади, ширин тўйгулардан энтисасиз. Қалб амрига буйруқ бериб бўлмас экан. Санъатга бўлган ташналик гишт терувчи бўлиб ишлаётган Аҳмаджоннинг муси-қа бўстонида чорлади. Наво сеҳри, сурнай ноласи унинг оромини ўғирлади. Тақдир сурнайчи Давлатилла Нурул-лаев билан учраштирди. Тин-

май қилинган машқлар тўғай-ли бора-бора уста сурнайчи бўлиб етишди.

1971 йилда Тошкентбеве раҳ-барлигидеъи сайёр цирк трупп-сига ишга кирди. Дорбозлар билан Тожикистон республи-касида, Сурхондарё областига гастролларга борди. Кейинча-лик Болгариянинг Несебър, Бургас, Варна, Сазополь ва Ропатин шаҳарларидаги то-мошаларда қатнашди. У 1987 йилда Москвада ўтказилган Бу-туниттфок халқ ижодиёти фести-валининг лауреатидир.

Аҳмаджон Ҳожибоев эъ ўр-тасида катта оёру қозонган. У ижро этган куйлар респу-блика телевидениеси орқали намойиш қилинган «Ичкўё» видеофильми, шунингдек «Наврўзи ажа», «Отмағай-тонг», «Таманно» граммофон



ёзувларида янгради. Моҳир созанда айни пайтда Киров ра-йонидеъи Фурқат номли мада-нийт уйда «Нафосат» ансам-блини бошқариб, «Цирк санъ-ати» студиясида ўқитувчилик қилиб келмоқда. Ўтган йили Андижон области, Марҳамат районидеъи Юнусали Ҳожи-ев раҳбарлигидеъи дорбозлар би-лан СССР — Ҳиндистон фес-

тивалида қатнашди. А. ТОЛИПОВ,
СУРАТДА: Аҳмаджон Ҳожи-боев шоғирлари билан машқ қилапти. Автор фотоси.



Ўтган йилги мамлакат «Пахтакор» командасида чемпионати тугагач, биринчи лигада иштирок этаётган Айрим ўйинчилар коллектив

ни тарқ этдилар, ўринларига бошқалари келишди. Раҳбарлари эса буткул ўзгарди.

Жумладан, команда бошлиғи этиб, СССР Журналистлар союзини аъзоси республика тоифасидан ҳамма Ахбор Имомхўжаев тайинланди. Ахбор акани нафақат ўзбекистонлик футбол мухлислари, балки Ўрта Осиё республикаликларига ҳам яхши танишди, десак муболага бўлмас. Негаки у киши ўзоқ йиллар футбол бўйича СССР чемпионатининг биринчи ва иккинчи лига клублари ўртасидаги матчларга судьялик қилган. Телевидение орқали турли спорт мусобақаларини олиб борди. Ўнг муҳими, футбол шарҳловчиси, билимдон сифатида кенг танилди, ишқибозлар ҳурматини қозонди.

Ўтган йили мухлисларнинг пахтакорчили билан бўлган учрашувларидаги бир гап эсимга тушди. Ўртани Ахбор ака олиб борардилар. Келгандилар «Пахтакор» биринчи даврани кўнгилдагидек якуниламаётганлигини кўзи билан танқид қилишарди. Савол: жавоб тугади. Кўнглик шарҳловчиси ўраб олиб турли саволлар бера бошлади. Шунда мухлислардан бири: «Ахбор ака, шу ўзингиз тренера ёки команда бошли

ғи бўлинг, футболни тушунасанми?» деган. Бу истакни бошқалар қўллаб-қувватлашган. Дарҳақиқат, Ахбор ака футболнинг ҳам назарияси, ҳам амалиётиси сифатида анчагина тажриба тўплаган етук мутахассис. Ўзбекистон давлат физкультура институтини тугатган, «Пахтакор»га ўтса фойдадан холи бўлмасди, деб ўйлагандим. Мана энди у киши неча йиллардан буён ўзи тарғиб этиб келатган, ютуқларидан севиниб, маълумиятларидан қуянгон командасининг раҳбарларидан бири.

— Қачонлардир вақти келиб, шундай бўлишни ҳеч ўйламагандим, — дедилар кулиб. — Футбол шинавалдаларидан «Ўзингиз бўлақолнинг» деган гапларни эшитардим, жиддий эътибор бермасдим. Лекин «Пахтакор» билан азалдан биргаликда, Ўзбекистон футболчи билан институтда бирга ўқиганман, баъзиларини домлалик йилларим ўқитганман. Гоҳида ҳаётга келмаган ишлар ҳам бўларкан. Раҳбарлар ўзгарадиган бўлиб қолди. Команда бошлиғи вази

фасига мени таклиф этишди. Тренерлар состави тўла ўзгарди. Келинг, бирма бир айтиб бера қолай. Катта тренер этиб Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер Виктор Васильевич Носов тайинланди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер В. В. Борисов, СССР спорт мастери Т. У. Исоқов, педагогика фанлари кандидати (илмий тренер) А. Толмачовлар унга ёрдамчилик қилишди. Мақсадимиз, заминни мустаҳкамлаш. Вақти келиб команда олий лигага чиққанда рақиблари билан тенгма тенг олишсин. Бир йилдаёқ орта қайтадан бўлмасин. Бунинг учун аввало команда составини маҳаллий ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш зарур. Олдинги раҳбарлар бу ишга етарли аҳамият берганидан. Четдан тайёрини қайтаришга ўрганиб қўйишди. Вақат В. Д. Соловьевгина важадан ишлаганди, ақолиб талланган рақибларни кайтаришга ўрганиш зарур. Яқинда В. В. Носов ахши бир гап айтди: «Ўзбекистон футболчи анчадан буён кузатиб келамади. Республика терма командаси СССР ҳақлари

Спартакиадада иккинчи ўринни олган, М. Қосимов ва А. Пятинский мамлакат терма командасида жалб этилиш талланган йўқ эмаслигини даъво қилди. Уларни ўстириш, катта футболга олиб чиқиш бизнинг вазифамиз». Кўнглигизин, ҳаммаси ўзининга боғлиқ. Умидли ёшлар эса анчагина.

Команда бошлиғи ҳақ гапни айтди. Коллектив ўз ёшларининг ҳисобига тўлдирлиш шарт (албатта бирданига эмас, аста-секин). Михель, Кабаев каби тажрибали ўйинчиларнинг командадан кетиши маълум муаммоларни туғдирган. Ҳозир Михельнинг ўрнида Раҳман Муҳаммадов синаб кўрилади. Истеъдодли футболчи. У йилги Ашхобдиннинг «Копетдоғ» клубида ўйнади. Шунингдек, Владимир Кобзев, дарвозабон Игорь Логунов («Сокол» Саратов), Мустафо Байрамов («Космосойс»), Мақсуд Иришбаев ва Рифат Галиев (икаласи республика футбол мақтабидан)лар ҳам бу йил «Пахтакор» шарафини ҳимоя қилишга тайёрланишган.

— Мақсадимиз Ўзбекистондан иккинчи лигада қатнашаётган клублар билан алоқани мустаҳкамлаш, —

сухбатни давом эттирди Ахбор ака. — Шу пайтгача муносабат яхши эмасди. Сабби бир футболчи қаҳирларди, иккинчи ой ўйнади, ёқмаси бошқа командага бериб юбориларди. Шундай бўлганда қайси тренернинг ўйинчи бергани келадиган? Энди бошқача йўл тутишқилини. «Пахтакор»га истеъдодли спортчи етказиб берган мураббийга мукофот пули берилади.

Ҳа, ана бир янгилик. Шу йилдан бошлаб иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасида Тошкентнинг Армия спорт клуби (Олимпия тайёрлаш маркази базасида) қатнашди. У «Пахтакор»га резерв етказиб бериш базаси бўлади.

Команда бошлиғининг асосий ташвишлари энди бошлангач. Олдинда ҳал этилиш лозим бўлган талайгина муаммолар турбди. Янги ишда ҳам Ахбор акага муваффақиятлар тилаб хайрлашдик.

Р. БОБОМУХАМЕДОВ. СУРАТДА: собиқ спорт шарҳловчиси А. Имомхўжаев пахтакорчилар даврасида.

Редактор Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРИ ҚАБУЛ ПУНКТИЛАРИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

24 МАРТДА ҳар қайси қабул пунктида «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФРАНЦУЗ ДЕТЕКТИВИ» китобига 50 тадан абонемент;

25 ВА 26 МАРТДА ҳар қайси қабул пунктида «ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФРАНЦУЗ ДЕТЕКТИВИ» китобига 50 тадан абонемент;

31 МАРТ ВА 14 АПРЕЛДА ҳар қайси қабул пунктида Т. ДРАЙЗЕРНИНГ «СТОИК» китобига 50 тадан абонемент;

1, 2, 15 ВА 16 АПРЕЛДА ҳар қайси қабул пунктида Т. ДРАЙЗЕРНИНГ «СТОИК» китобига 125 тадан абонемент;

7 ВА 21 АПРЕЛДА ҳар қайси қабул пунктида А. ДЮМАНИНГ «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» китобига 50 тадан абонемент;

8, 9, 22 ВА 23 АПРЕЛДА ҳар қайси қабул пунктида А. ДЮМАНИНГ «ГРАФ МОНТЕ КРИСТО» китобига 125 тадан абонемент тарқатилади.

«Ҳозирги замон француз детективи», Т. Драйзернинг «Стоик» ва А. Дюманин «Граф Монте Кристо» китобларига абонементлар бир вақтинчи ўзида камиди 10 кг. макулатура топширилгандан кейин берилади.

«Ҳозирги замон француз детективи», Т. Драйзернинг «Стоик» китобларига берилган абонементлар 20 кг. макулатура топширилгандан сўнг унда кўрсатилган китобларни харид қилиш ҳуқуқини беради.

А. Дюманин «Граф Монте Кристо» китобига берилган абонементлар 40 кг. макулатура топширилгандан сўнг унда кўрсатилган китобларни сотиб олиш кафолатини беради.

26 март — Сайловлар куни «Ҳозирги замон француз детективи» китобига абонементлар соат 14.00 дан бошлаб берилади.

Кооператив очилиши муносабати билан 63-қабул пунктида абонементлар вақтинча тарқатилмайдиган, аҳолига яқин ўртадаги қабул пунктидаги хизмат кўрсатилади.

ҚАБУЛ ПУНКТИ-МАГАЗИНЛАРИНИ ИШ ВАҚТИ:

Қабул пункт-магазинлари: жума куни соат 12 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус соат 15 дан 16.00 гача. Якшанба куни соат 10 дан 17.00 гача ишлайди, танаффус — 13 дан 14.00 гача.

Бошқа кунлари қабул пункт-магазинлари соат 10 дан 18.00 гача ишлайди, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача. Дам олиш куни — дўшанба.

Жума куни абонементлар соат 18.00 дан бошлаб тарқатилади.

Улут Ватан уруши инвалидлари ва уруш қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354-қарарасига биноан Улут Ватан уруши инвалидлари ва уруш қатнашчиларига бериш учун ҳар қайси қабул пунктида тарқатилган жами абонементлар миқдорининг 20 проценти ҳажмида норма белгиланган.

Справкалар учун телефон: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЕРЛОВ КОРХОНАСИ.

Тошкент марказий универсал магазини

17 ёшдан 23 ёшгача бўлган, ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискада турувчи қизларни САНОАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОВУЧИЛАРИ ТАЙЕРЛОВ

8 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

қабул эълон қилади



Машгулотлар «Мактаб-магазин» программаси асосида олиб борилади.

Курсларга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Ўқиб даврида 52 сўздан 63 сўзгача стипендия тўланади.

Ўқиб даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Курсларни тамомлаган ўқувчилар Тошкент марказий универсал магазинида ишлайшади.

Машгулотлар — гуруҳларнинг комплекташувига қараб бошланади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресда жойлашган универсал магазини кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 17-уй, 3-қават, 26-хона. Телефон: 56-77-95.

49-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-1990 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли ёшларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича тайёрлайди: карамелчи-конфетчи, қандолатчи, химия-лаборант, сотувчи, ошпаз, холодильник асбоб-ускуналарни ремонт қилиш бўйича слесарлар.

Ўқиб муддати 8 синф маълумотидаги йигит-қизлар учун 3 йил. Улар ўқиб даврида тўлиқсиз давлат таъминотида бўлади.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиб муддат 1 йил. Уларга ҳар ойда 30 сўм стипендия тўланади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида ва Тошкент области-нинг Калинин ва Тошкент районларида пропискада бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқиб 1 сентябрдан бошланади.

Машгулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ўқибни битирувчилар БКК, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, «Топпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасига, «Ташлодоовошторг» ихтиёрига ишга юборилади.

Барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида маошининг 50 проценти ҳажмида ҳақ тўланади.

Билим юртида спорт секцияси, ВИА гўтарати ишлайди. Билим юртини муваффақиятли битирганларга олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда кириш учун йўлланмалар берилади.

Билим юртининг барча гуруҳларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширади: директор номига ариза, турғиланлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), дурар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкани, таржиман ҳоли, 286 формадати медицина справкани, 3х4 см. катталиқдаги 8 донга фотосурат.

Адрес: 700080, Тошкент шаҳри, Ленин району, Истиқбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 68, 171, 183-автобусларнинг «Қўйил» бозори» бекати). Телефон: 90-36-69.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙўЛЛАШ МАРКАЗИ



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

БИРЛАШМАСИГА:

штамповкачилар, гальваниклар, металл қирқувчилар, электр пайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, қопловчилар, крап машинистлари, меҳнатни ташкил этиш ва уни нормалаштириш бўйича инженерлар.

«ТАШГОРСТРОЙ»НИНГ

4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА:

ғишт терувчилар, бўёқчилар, монтажчилар, сувоқчилар, тунукасоллар, кошникорлар, стропальшчи-такелажчилар, ойнасоллар, электрчилар.

ФРУНЗЕ РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:

топографлар (геодезистлар).

2-ПОЯБЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА: пойабзал сиртини тикувчи пойабзалчилар, пойабзал тикувчилар, токарлар, фрезерчилар, ремонтчи-слесарлар.

2-НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТИГА:

контроль-ўлчов, асбоблари ва автоматларни соловчилар, ишлаб чиқариш цехлари учун ишчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙўЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАРКАЗИ — Космонавтлар проспекти, 6-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ — К Маркс кўчаси, 59-уй.

КІРОВО РАЙОН БЎЛИМИ — Энгельс кўчаси, 48-уй. ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКтябрь РАЙОН БЎЛИМИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

СЕРГЕИ РАЙОН БЎЛИМИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ — Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ — Шота Руставели кўчаси, 87-уй.

ТЕЛЬМАН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА 26 МАРТ СОАТ 13.00 ДА СССР халқ депутатлари сайлови кунига бағишлаб

КАТТА САНИЛ ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: Ўзбек қўшиқ ва рақс ансамбли ва Луначарский номидаги Маданият уйининг вокал-чолгу ансамблининг концертлари.

Шаҳримиз дондор кишиларининг чиқишлари. Болалар учун қўғирчоқ театри спектакли.

Аттракционлар, буфетлар, музқаймоқ дўкончалари, автомат ўйинлари зали ишлаб туради.

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида «Томоша чархпалаги», «Қувноқ тепача», «Ромашка», «Светофор», «Автодром», «Сюрприз», «Иллюзион» аттракционлари, аргамчоқлар, кулги хонаси, карусель, «Оққушлар», болаларнинг янги «Карнавал» карусели ишлайди.

ЎРТА ОСИЁ БУРҒУЛАШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

ремонт-қурилиш ишлари (биноларни капитал ремонт қилиш, спорт-соғломлаштириш комплекси, ёнилғимойлаш материаллари омбори қурилиши) учун

ПУДРАТЧИ

КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент области, Калинин району, Свердловск посёлкаси. («Самарқанд» автостанциясидан 181, 187-автобуслар билан «Зангиота» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станциясидан 448-автобус билан «Пахта пункти» бекатигача борилади).

«Среднегазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ТАРМОҚ АХБОРОТ-ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

меҳнатга ҳақ тўлашининг бригада формасида ишловчи ИВМ АТ муюфиллиқдаги ПЭХМда программа воситаларни ишлаб чиқувчилар

ГРУППАСИНИ

ТУЗАДИ

Справкалар учун телефон: 56-77-05.

Шарқ оҳанглари жўр бўлади



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24—31 март ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида

Ҳайвонлар цирки томошалари

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

Томошаларда: ИТЛАР, ЭЧКИЛАР, АЙИҚ БОЛАЛАРИ, ОТЛАР, ТЮЛЕНЛАР ва бошқа ҳайвонлар қатнашади.

ТОМОШАЛАР: соат 11, 14, 17.00 да бошланади. Олдинда билет сотиш кассаси очил.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ ТУШИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари бажарилади.

КАССА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ. Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қорнқубов номи Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

26 МАРТ СОАТ 19.30 ДА Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ХАЙИТОВА

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ олиб боради.

Билетлар соат 14.00 дан бошлаб СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилимда.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИИДА

30, 31 март, 1, 2 апрель соат 20.00 да

«ҲАЗИЛ»

ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Тўхтамурод АЗИЗОВ, Обид АСОМОВ, Собит АСОМОВ, Ботир МУҲАМЕДХЎЖАЕВ, Мирза ХОЛМЕДОВ.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Рушана СУЛТОНОВА, Зиёда МАДРАҲИМОВА, Элмурод ИСЛОМОВ, Ойил КАМОЛХЎЖАЕВ.

Биринчи Бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» радио конкурсининг лауреати

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

ХП Жаҳон ёшлар фестивали дипломанти, Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ЛИРИК ХОНАНДА

КОМИЛЖОН ЙЎЛДОШЕВ.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

Қувноқ, маънос ёки кўнгилашга ўт ёқувчи, ҳаёлларни олиб қочувчи шарқ куйлари оилавий тантаналарда ёки шунчаки дўстлар даврасида жарангласин десангиз торли, зарбли, пуфлаб чалинадиган — ёғочдан, металлдан, лойдан ясалган, нақшнинг гуллар солинган, ўймакорлик санъати билан безатилган, мактаб ўқувчилари учун эса одми нақш солинган АНЪАНАВИЙ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИНИ маданий моллар билан савдо қилувчи магазинлардан ва универсал магазинлардан харид қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/III да Чирполийно (премьер, 19.00), кичик экспериментал сахнада Т. Лефонов, Одам овози (16.00, 25/III да Чирполийно (12.00), 3-буниско (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/III да Тақдир эшиги, 25/III да Истамбул фижиски.

МУХИМНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/III да Тошкент тўман.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/III дан бошлаб «Ҳайвонлар цирки» (11, 14, 17.00 да)

Кино

24 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «АЛОҚА, ПИЦЦЕРИЯ ОРҚАЛИ БУЛАДИ» (18.30, 20.45, катта зал); «ТА НИШЛИ» (16.30, 19, 21.30, кичик зал